

**Лойиҳа-қидириув ишларини бажариш учун
33-сонли ШАРТНОМА**

Самарқанд.ш

«08» 09 2022 г.

“Сув таъминоти ва окова сув обьектлари курилиш буйича инжиниринг компанияси” УК (Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор Т.Бобоев бир томондан «Таъмирлойиха»МЧЖ (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи директор Д.Б.Кодиров иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Самарқанд шаҳрида 2019 йил 20 сентябрдаги 01-05/1-4676-сонли йиғилиш баёни ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан куйидаги шартномани туздилар:

1. МОДДА
Шартнома мавзуси ва тузилиши.

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва “Бажарувчи” “Оқдарё тумани даҳбед маҳалласида курилаётган кўп квартирали уй-жойларнинг оқова сув тизимларини куриш”, ушбу обьект учун лойиҳа-қидириув ишлари (экология, лойиҳа-смета ишлари)ни амалга оширишни ўз зиммасига олади: “Корхоналар ва бино ва иншоатларнинг капитал курилиши учун лойиҳа ҳужжатларини тузиш, ишлаб чиқиш, тасдиқлаш тартиби” (ШНК)1.03.01-08 йил ва бошқа меёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

1.2. Ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 37-бўлими, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субектлари фаолиятининг хукукий асослари тўғрисида”ги қонуни ва 1998 йил 29 июндаги 261-сонли қарорини кўллайдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-847-сон «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2019 йил 27 февралдаги Ф-5445-сон «2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда максадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида»ги фармойишига асосан “Объектларни шартномавий жорий нархларда куриш буйича лойиҳа-қидириув ишлари ҳаражатлари тартиби тўғрисидаги” низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда 3180 рақами билан рўйхатга олинган ва ушбу шартнома, бажарувчи ушбу ишларни, амалдаги курилиш кодексларига ва курилиш ишларига ва курилиш ишлари учун лойиҳа ҳужжатларини тузиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бажаради ва тутгатади.

1.3. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми куйидагилардан иборат:

- Лойиҳа-қидириув ишлари сметаси;
- Лойиҳа ишларининг тақвим жадвали;

1.4. Белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа топшириғи ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асосдир.

1.5. Алоҳида босқичларни лойиҳалаш ишларининг номи ва муддати ишчи лойиҳани бериш учун тақвим жадвали билан белгиланади.

1.6. Шартнома берувчи томонлардан бири томонидан ишлаб чиқилган ва шартнома лойиҳаси имзолаган тараф бошқа томонга юборилади. Шартнома лойиҳасини контенгентга юбориш шартнома тузиш таклифидир.

1.7. Агар келишув лойиҳаси буйича келишмовчиликлар мавжуд бўлса, томонлар 10 кун ичida уларни ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

1.8. Ушбу шартномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар шартноманинг ажралмас қисми бўлган қўшимча битимда батафсил баён этилган.

1.9. Ушбу шартноманинг шартлари иккала томон учун ҳам мажбурийдир ва уларнинг розилиги билан ўзгартилиши мумкин.

2. МОДДА
Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Тасдиқланган лойиҳа топшириғига, буюртмачининг курилиш нормалари ва қоидалари ва ушбу шартноманинг шартларида белгиланган тартибда тақдим этилган дастлабки қарорларни бериш учун тақвим жадвалига мувофиқ ишларни бажариш.

2.1.2. Шартнома имзолангандан ва курилиш нормалари ва қоидалари, шунингдек ушбу шартнома шартлари билан белгиланган топшириқ учун дастлабки материалларни олгандан кейин ишчи лойиҳани ишлаб чиқади.

2.1.3. Буюртма берилгандан кейин 5 кун ичida буюртмачига техник шартларни олиш учун маълумотларни тақдим этиш керак.

2.1.4 Буюртмачи ёзма равиша тақдим этилган илтимосига биноан лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишини тўхтатиб туради ва давом эттиради.

2.1.5. Лойиҳавий-смета хужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан (Архитектура Бош бошқармаси, ДСЭНМ, газ, электр ва бошқалар), шу қаторда давлат назорати органлари билан қўшимча талаблар тақдим этилгандан сўнг мувофиқлаштирилади.

2.1.6. Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишида буюртмачининг давлат назорати, ваколатли органларининг мулоҳазаларини инобатга олиш ва ишчи лойиҳани ишлаб чиқишида ўз вақтида керакли ўзгартиришларни киритиш.

2.1.7. Бажарувчининг айби туфайли ишчи лойиҳасини ишлаб чиқишида хатолар ва нотўғри хисоб-китоблар аниқланган тақдирда лойиҳалаш хужжатларида камчиликларни ўзмаблаглари хисобидан бажарди.

2.1.8. Белгиланган вақтда ушбу шартноманинг календар жадвалига биноан буюртмачига экспертиза хулосаси учун лойиҳа-смета хужжатларини тақдим этиш.

2.1.9. Ишлаб чиқилаётган лойиҳа бўйича шархлар билан маҳаллий эксперт хулосаларини беришда, бажарувчи тегишли тузатишлар ва тузатишлар киритади (шархларни бекор киласди) ва якуний давлат эксперт хулосаси олиш учун лойиҳа-смета хужжатларини қайта тақдим этиш.

2.1.10. Буюртмачи давлат назорати органлари томонидан амалга оширилган барча тузатишлар ва тузатишлар ва ишчи лойиҳанинг материалларга давлат экспертизаси ўтказилгандан сўнг бажарувчи тугалланган лойиҳа-смета хужжатларини З нусхада (электрон версиясини) буюртмачига белгиланган тартибда тақдим этади.

2.1.11. Бажарувчи “Буюртмачидан” ёзма сўров олган кундан бошлаб 5 иш куни ичидаги ёзма жавоб юбориш.

2.1.12. ҚМҚ 1.03.07.96 га мувофик (дала назорати календар жадвалига биноан) обьектда дала назорати билан таъминлаш.

2.1.13. Буюртмачининг биринчи сўровига биноан тегишли мутахасисларни обьектга юбориш ва иш пайтида лойиҳа топшириги ишларидаги юзага келган муаммоларни ҳал қилиш.

2.1.14. Бажарувчи шартнома бўйича бажарилган ишларни буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга топшишга хақли эмас.

2.2. Бажарувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1. Буюртмачининг олдиндан ёзма розилигисиз ишларнинг бир қисмини (ложиҳалаштириш ва илмий тадқиқот ишларининг маҳсус турлари лойиҳаларни амалга оширишда турли хил маслаҳат ёрдами ва бошқалар) бажариш учун хўжаликларро субпудратларни тузиш. Субпудрат шартномаларни тузиш бажарувчи ушбу шартнома бўйича ўзига юклатилган жавобгарликдан озод қилмайди.

2.2.2. Буюртмачининг айби туфайли тўловлар кечикирилган бўлса ва лойиҳалаш учун манбали материаллар тақдим этилмаган бўлса мутахассисларнинг мавжуд иш юкини хисобга олган холда лойиҳавий қарорларни босқичмабосқич бериш жадвалини кўриб чиқиши, ишчи лойиҳани ишлаб чиқишининг янги муддатини белгилаш ва буюртмачи билан келишиб олиш.

2.2.3. Шартнома мажбуриятларини муддатидан олдин бажариш.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Ложиҳалаштириш бошланишидан олдин у бажарувчи томонидан ҳисобланган юкларни ўз вақтида етказиб бериш шарти билан лойиҳани тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни беради.

2.3.2. Ишчи лойиҳани бажарувчидан олинган кундан бошлаб 10 иш куни ичидаги ишни қабул қилиш ва қабул қилиш далолатномасига имзо чекиши ёки ёзма изохлар билан қайтариб беришни кўриб чиқиши.

2.3.3. Бажарувчига шартнома кўзда тутилган ҳажм ва шартларда ишларни бажарашда ёрдам бериш.

2.3.4. Бажарувчининг ишининг сифатини кузатиб бориш камчиликлар тўғрисида ўз вақтида хабар ва тузатишни талаб қилиш.

2.3.5. Ишчи лойиҳани бажарувчидан олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай давлат экспертизасига топшириш ва эксперт хулосасини олиш. Буюртмачининг айби билан давлат экспертизаси учун тақдим этилмаган ишчи лойиҳаси бажарувчига тугатиш сертификати имзолангандан кейин З ой ўткач якуний тўловни талаб қилиш ҳукуқини беради.

2.3.6. Маҳаллий эксперт хулосаларини ишчи лойиҳанинг шархлари билан берганда у давлат экспертизаси шархларини тузатиш учун ишчи лойиҳани бажарувчига юборади.

2.3.7. Бажарувчининг тузатилган ва тузатилган ишчи лойиҳани олгандан сўнг уни якуний эксперт хулосаси учун давлат экспертизасига топшириш.

2.3.8. Буюртмачи Бажарувчининг ёзма сўров олган кундан бошлаб 5 иш куни ичидаги ёзма жавоб юбориш.

2.3.9. Олинган ишчи лойиҳадан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиш.

3 МОДДА

Шартноманинг қиймати ва ишларни молиялаштириш шартлари.

3.1. Лойиҳа-қидирав ишларининг қиймати, муаллифлик назорати билан смета бўйича 368 600 000 (уч юз олтмиш саккиз миллион олти юз минг) сўм, ККС билан.

3.2. Буюртмачи лойиҳа-қидирав ишлари учун шартноманинг умумий қийматининг 15 фоизи миқдорида аванс тўлаш мажбуриятини олади, ушбу обьект бўйича шартнома Ғазначилик бошқармасидан ўтказилгандан ва бюджетдан маблағ келиб тушгандан кейин, амалда бажарилган лойиҳалаш ишлари учун қолган сумма бажарилган ишлар далолатномаларига мувофик тўланади. Бюджетдан маблағ ажратиш, якуний тўлов давлат экспертизасининг ижобий

хулосасини олгандан кейин амалга оширилади.

3.3. Шартнома бўйича иш киймати куйидаги ҳолларда ўзгартириш мумкин:

- Лойиҳа-смета хужжатлари ёки унга киритилган ўзгартиришлар белгиланган тартибда қайта тасдиқланганда;
- буюртмачининг ташаббуси билан иш тўхтатилганда;
- шартнома томонларнинг келишувига биноан.

4-МОДДА

Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Ишчи лойиҳанинг ишлаб чиқилган бўлимларини қабул қилиш ва баҳолаш лойиҳалаш топшириғи талабларига ва жадвал шартларига мувофиқ амалга оширилади.

4.2. Иш тўлиқ ҳажмда тугагандан сўнг, “Бажарувчи” “Буюртмачи”га барча счёт-фактурулар ва бажарилган ишлар далолатномалари кўрсатилган ҳолда уч нусхада (шу жумладан: чоп этилган, электрон вариантда) ишчи лойиҳанинг тўпламини юборади.

4.3. Ишчи лойиҳанинг қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома олинган кундан бошлаб 10 иш куни ичидаги амалдаги нархларда смета билан тўлиқ ҳажмда

- лойиҳанинг лойиҳа бўлимида қабул қиласи;
- такдим этилган ишларни бажариш далолатномага имзо қўяди;
- ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўлайди;

Бажарувчи бажарилган ишнинг далолатномасини ёки сабабларини кўрсатган ҳолда ишни қабул қилишдан бош тортиш тўғрисида юборади.

4.4. Бажарилиши зарур бўлганлиги сабабли бажарилган ишларни қабул қилиш асосли равишда рад этилган тақдирда, “Буюртмачи” келишилган вақт ичидаги икки томонлама далолатнома тузади, унда зарур яхшиланишларнинг асосли рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилган ва тасдиқлаш учун “Бажарувчи”га юборилади.

4.5. Агар ишчи лойиҳанинг ишлаб чиқиши жараённида сабабли натижа пайдо бўлишининг мукаррарлиги ва келгусида лойиҳалаш жараёнининг мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 3 иш куни ичидаги унинг тўхтабиб туриши тўғрисида хабардор килишлари ва 5 иш куни ишчи лойиҳасини ишлаб чиқиши давом эттиришнинг мақсадга мувофиқ ёки йўналишларини кўриб чиқишилари шарт.

5 МОДДА

Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун, бажарувчи ва буюртмачи, бошқа ҳолатлар учун етказилган зарарни қопламаслик ҳолатларидан ташкари, барча ҳолатларда, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар. “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий асослари тўғрисида” ва амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа меъёрий хужжатлар.

5.2. Лойиҳа-смета хужжатларини ўз вақтида тайёрлаш учун бажарувчи буюрмачига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори бажарилмаган иш кийматининг 50 фоизидан ошмаслик керак.

5.3. Ҳисоб-фактура ва сертификатлар бўйича лойиҳалаш ишларининг 100% тайёрлиги ва етказиб берилганлиги вактида тўланмаган тақдирда. “Буюртмачи” кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилган ишлар кийматининг 0,4% миқдорида жарима тўлайди, аммо кечикирилган тўлов миқдорининг 50%дан ошмайди.

5.4. Агар бажарилган ишда (боскичларда) нуқсонлар аникланса, бажарувчи уларни бепул бартарф этишга мажбурдир. Агар бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар лойиҳалаш топшириғи, техник шартлар бўйича стандартларга жавоб бермаса, буюртмачи ишлари, хизматларни қабул қилишдан ва тўлашдан бош тортишга ва бажарувчидан иш, хизматлар нархининг 25 фоизгacha жарима ундиришга ҳаққи йўқ ((сифати йўқолган жисмоний ҳажмлар), ишлар ва ҳқ), агар иш, хизматлар аллақачон тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммаларнинг қайтарилишини талаб килиш, ишлар, сифатсиз хизматлар учун жарима бажарувчининг розилигисиз ундириб олинади. Жаримани ҳисобдан чиқариш учун тўлов сўрови банк муассаларига иш ва хизматларнинг сифатсизлиги тўғрисида далолатнома тузлгандан кейин 10 кундан кечиктиримай тақдим этилади. Агар ўн кунлик муддатни бузган ҳолда жаримани ҳисобдан чиқариш учун тўлов сўрови юборилган бўлса, жарима белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.6. Шартнома манфаатдор томон томонидан шартномага мувофиқ мулкий ва номулкий хусусиятга эга бўлган барча масалалар ҳал этилгандан кейингина тугатилиши мумкин, бу ҳақда бошқа томонни бир ойлик ёзма равишда огохлантиради.

5.7. Ушбу келишув билан бошлиқ барча келишмовчиликлар, музокаралар йўли билан ҳал этилади. Агар келишувга эришилмаса, низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ҳал этилади.

6 МОДДА **Шартнома муддати.**

- 6.1.** Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб ва газнчилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради. Шартнома битта молиявий йил учун, яъни 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.
- 6.2.** Шартноманинг амал қилиш муддати унинг бажарилиши учун тарафларни жавобгарликдан озод қилмайди.
- 6.3.** Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилган бўлиб, улардан бири буюртмачида қолади, бири бажарувчи ва газнчилик бўлимига берилади.

7 МОДДА **Кўшимча шартлар.**

- 7.1.** Томонлар ўзаро битим асосида бекор қилишга ҳақлидирлар.
- 7.2.** Қайта рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ёки буюртмачи ёки бажарувчининг мақомида бошка ўзгаришлар юзага келган тақдирда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар ушбу қайта рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш натижасида ҳосил бўлган юридик шахсга ўтказади.
- 7.3.** Объект параллел равиша бўлганлиги сабабли лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилгандан кейин лойиҳа қийматидан келиб чиқсан ҳолда шартнома қийматига ўзгартирилиши мумкин.

8 МОДДА **Форс-мажор ҳолатлари.**

- 8.1.** Томонлар ушбу шартномада қабул қилинган мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиниши мумкин, агар бу форс-мажор ҳолатлари (таббий ҳодисалар, ёнғин, тошқин, зилзила, таббий оғат, фалокат, портлашлар ва бошка форс мажор ҳолатлари) бўлса, ушбу ҳолатлар шартнома бажарилишига бевосита таъсир кўрсатади.

9 МОДДА

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

- 9.1.** Юридик манзил ёки хизмат кўрсатувчи банк ўзгарган тақдирда, томонлар уч кун ичидаги бир-бирларини ёзма равиша хабардор қилишлари шарт.

Бажрувчи:

«Таъмирлойиха» МЧЖ

Манзил: Самарқанд шаҳар Нарпай кучаси 22 уй
х/р: 20208000500307748001

Банк номи: АКБ «Ипотека банк» Самарқанд.ш

МФО: 00312

СТИР: 200714814

ХХТИТ: 71110

Тел: (0366)234-24-88

Регистрация номери ИДС 318010042865

Д.Б. Кодиров

Молия вазирлиги Газначилиги, Самарқанд газначилик бошкармаси

X/P: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк XKKM Тошкент шаҳар бошк

Манзил: Сам шаҳар Кўксарой майдони №1

Стир (ИНН): 201122919

МФО: 00014

ОКОНХ: 97160

Тел: 233-68-53, 231-11-52

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва окова сув обьектлари курилиш буйича инжиниеринг компанияси” УК

Манзил: Самарқанд ш. Кўксарой 1а

ш/р: 30112860184017063201110236

СТИР: 305979178

ХХТИТ: 42210

тел: 233-19-57

Т.Бобоев





“TASDIQLAYMAN”

“Suv ta'minoti va oqova suv obyektlari qurilish bo'yicha injiniring kompaniyasi” UK Samarqand viloyat hududiy boshqarmasi boshlig'i
T.Boboyev

“08” “09”

2022 yil

“Suv ta'minoti va oqova suv obyektlari qurilish bo'yicha injiniring kompaniyasi” UK Samarqand viloyat hududiy boshqarmasining

tanlov o'tkazish bo'yicha komissiya yig'ilishi

BAYONI 11

Samarqand sh

«8» Sentabr 2022 y.

Raislik qiluvchi

T. Boboyev “Suv ta'minoti va oqova suv obyektlari qurilish bo'yicha injiniring kompaniyasi” UK Samarqand viloyat hududiy boshqarmasi boshlig'i

Ishtirok etgan komissiya a'zolari:

Q.Shamsiyev

Komissiya a'zosi, Iqtisodiy masalalar bo'yicha boshliq o'rinnbosari

I.Nizamov

Komissiya a'zosi, marketing, tanlov savdolarini tashkil qilish, xo'jalik shartnomaviy munosabatlar va moliyalashtirish bo'limi bosh mutaxassis

A.Toshpulatov

Komissiya a'zosi, Birlamchi ruxsat beruvchi, loyixa va tanlov xujjalalarini tayyorlash bo'limi boshlig'i

A.Ibragimov

Komissiya a'zosi, huquqshunos

A.Nasimov

Kotib, bosh muxandis

KUN TARTIBI:

Oqdaryo tumani Dahbed mahallasida qurilayotgan ko'p kvartirali uy-joylarning oqova suv tizimlarini qurish obyektining loyiha-qidiruv ishlari bajarish bo'yicha

(T.Boboyev, Q.Shamsiyev, I.Nizamov, A.Topo'latov, A.Ibragimov, A.Nasimov)

Oqdaryo tumani Dahbed mahallasida qurilayotgan ko'p kvartirali uy-joylarning oqova suv tizimlarini qurish obyektining loyiha-qidiruv ishlarini bajarish bo'yicha bosh loyiha-chini tanlash uchun bo'lib o'tadigan tanlov savdosi haqidagi e'lon maxsus axborot portalida 2022 yil 25 avgust iyun kuni LOT №143532 bilan joylashtirilgan.

Mazkur LOT bo'yicha 2022 yil 06 sentabrdagi eng yaxshi takliflarni tanlash bo'yicha davlat xaridlari komissiyasining elektron portal orqali shakllantirilgan bayonnomasiga asosan e'lon yakuniga ko'ra komissiya a'zolari tomonidan "**Ta'mirloyiha**" МЧЖ g'olib deb topilganligini inobatga olib yig'ilish,

QAROR QILINDI:

1. O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonuning 62-moddasi 3-bandiga asosan komissiya bayonnomasi davlat xaridlari elektron tizimiga muxokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirildi. Ikki ish kuni davomida davlat xaridlari elektron tizimiga joylashtirilgan bayonnomaga bo'yicha xech qanday e'tirozlar yoki qo'shimcha takliflar kelib tushmaganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. "Suv ta'minoti va oqova suv obyektlari qurilish bo'yicha injiniring kompaniyasi" UK Samarqand viloyat hududiy boshqarmasi bo'lim boshlig'i (A.Toshpulatov)ga:

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda hamda komissiya a'zolarining 2022 yil 06 sentabrdagi elektron bayonnomasiga asosan g'olib "**TA'MIRLOYIHA**" МЧЖ bilan qonunchilikda o'rnatilgan tartibda shartnoma tuzilsin.

Komissiya a'zolari


Q.Shamsiyev

I.Nizamov

A.Toshpulatov

A.Ibragimov

A.Nasimov



“ТАСШИКЛАЙМН”
“ҮЗҮҮЛҮКМЕН” АКБОЛУКАРУУРЫН ИД
С.Сабиров
2022 й.

[Title page] (Page 1 of 1) [Page number] (Page 1 of 1) [Page number] (Page 1 of 1)

*1. СОВЕТСКАЯ ВЛАСТИ И КИНОМУЗЕЙ В 1920-Х ГОДАХ